



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**



**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА
УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами
(2025 йил 24 декабрь)*

Тошкент – 2026

UDK: 343.9:340.13

ВВК: 67.51

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий кенгашининг
2026 йил 27 мартдаги 4-сон йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда нашр этишга тавсия
этилган.*

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2025 йил 24 декабрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти. – Т., 2026 йил, 252 бет.

Масъул муҳаррир:

Б.Э. Бердиалиев – Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бошлиғи, ю.ф.ф.д (PhD), полковник.

Тақризчилар:

Д.Ю. Пайзиев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

У.И. Мирзатиллаев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Нашрга тайёрловчилар:

Х.Т. Одилқориев, А.П. Тураев, У.Ж. Чориев, М.А. Аълохонов, Б.Н. Нормуродов.

Мазкур тўпламда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш масалалари ёритилган. Шунингдек, конференция материалларида соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Тўплам ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти, 2026

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Мирзатиллаев Умид Иззатиллаевич,

Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқот институти Маҳалладаги жиноятчиликни илмий тадқиқ этиш маркази Бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлаш ва уларни ҳимоя қилиш масаласи давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бундай болалар соғлом ҳаёт тарзини юритиш имкониятидан маҳрум бўлиб, жамиятдаги турли салбий таъсирлар, хатарлар ва тўсиқларга дуч келиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ёрдам олиши ва жамиятнинг соғлом аъзолари сифатида тарбияланишларини таъминлаш давлат олдидаги долзарб вазифадир.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган бола деганда вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган шахс тушунилади¹.

Статистик маълумотларга кўра 2025 йилда инспектор-психологлар томонидан умумий ўрта таълим мактабларида ўрганишлар даврида дарс машғулотларига қатнашмаган 63 112 нафар ўқувчилар аниқланиб, уларнинг 52 267 нафари дарс машғулотларига қайтарилган. Болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун 58 595 нафар ота-онага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан маъмурий баённомалар рамийлаштирилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.

Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахслар томонидан 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида 2 554 та жиноятлар содир этилган шундан, оғир тан жароҳати етказиш 68 тани, ўғирлик 1 313 тани, талончилик 87 тани, босқинчилик 17 тани, фирибгарлик 84 тани, безорилик 193 тани ташкил этган.

Тадқиқотлар ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ўсмирлар учун: болаларнинг қаровсизлиги, ўқишдан бош тортиш ва мактабга бормаслик, уйдан қочиш, дайдилик, психофаол моддалар ва жинсий ҳаётдан барвақт фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларини содир этиш каби ижтимоий оғишлар ҳамда ғайриижтимоий турмуш тарзи хослигини кўрсатмоқда.

Одатда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг аксарият қисми мактаб ва маҳалла жамоатчилик назоратида, шунингдек мактабга бириктирилган инспектор-психолог ҳамда профилактика инспекторининг доимий тарбиявий-профилактик таъсир доирасида бўладилар.

Таълим муассасасида вояга етмаганлар, шу жумладан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда инспектор-психологларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Инспектор-психологларнинг таълим муассасасида вояга етмаганлар, шу жумладан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлаш бўйича асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ✦ мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ўқувчилар ўртасида назоратсизликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан манзилли чораларни белгилаш;

- ✦ ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш орқали улар ўртасида салбий ҳолатлар, дайдилик ва тиланчилик каби ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш чораларини кўриш;

- ✦ мактаб билан биргаликда доимий равишда давоматни текшириш тадбирларини ташкил этиш, дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни

мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш;

✦ ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларни касбга йўналтиришга, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;

✦ ўқувчилар ўртасида қонунбузилишларга мурасасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни амалга ошириш.

Инспектор-психологлар зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги йўналишдаги функцияларни амалга оширади:

а) мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ўқувчилар ўртасида назоратсизликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;

б) ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш орқали улар ўртасида салбий ҳолатлар, дайдилик ва тиланчилик каби ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш;

в) мактаб билан биргаликда доимий равишда давоматни текшириш тадбирларини ташкил этиш, дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш;

г) ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларни касбга йўналтиришга, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;

д) ўқувчилар ўртасида қонунбузилишларга мурасасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни амалга ошириш.

Хорижий давлатларда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда ўзига хос тажриба шаклланган. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтсак.

АҚШда ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган болаларни ҳимоя қилиш жуда ривожланган ва федерал қонунлар асосида тартибга солинади. Мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли штат агентликлари ва нодавлат ташкилотлари фаолият юритади. Болаларни оиладан ажратишдан кўра, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва болаларни оилада қолдириш учун турли чоралар қўлланилади. АҚШда, шунингдек, фарзандликка қабул қилиш ва оилаларга болаларни қайта тарбиялаш тизими жуда ривожланган.

Германияда ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган болаларга ёрдам беришда оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилади. Давлат махсус оилавий маслаҳат марказлари орқали болаларни муҳофаза қилиш ва оилаларни зўравонлик ёки иқтисодий қийинчиликлардан ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни молиялаштиради. Агар бола оилавий муҳитда ёмон аҳволга тушиб қолса, давлат болани интернатга жойлаштириш ёки уни фарзандликка олиш тартибини белгилайди.

Норвегияда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат томонидан қаттиқ назорат олинган. Бу ерда Болалар ҳимояси хизмати (*Barnevernet*) болаларнинг хавfli аҳволдаги шароитларини мунтазам текширади ва зарур ҳолларда болаларни оиладан олиб, реабилитация марказларига ёки фарзандликка қабул қилиш тизимига ўтказди. Давлат бунда болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун бепул таълим, тиббий ёрдам ва психологик хизматларни таклиф этади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, жамиятда соғлом муҳит яратиш йўлидаги муҳим йўналишлардан биридир. Давлат ва жамият биргаликда бундай болаларнинг таълим олиши, соғлиғини тиклаши ва жамиятга тўлақонли мослашиши учун барча шароитларни яратиши зарур. Чунки, баркамол авлод мамлакат келажагини белгилаб берувчи етакчи кучдир.